

Meros

№ 2/2023

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

М У Н Д А Р И Ж А

ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ 80 ЁШДА

Ҳасаний М. Бугун бизда *(ЎзР Фанлар академияси ҳамда Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг 80 йиллигига бағишланади)* қўшалоқ байрам 3

Каримова С. Шарқшунослик институти 80 йиллик тарихидан ёрқин лавҳалар 7

МАНБАШУНОСЛИК

Азимов Х. Хитой манбаларида Марказий Осиё ва Хитой савдо алоқаларига оид маълумотлар (милоддан аввалги II – милодий XI асрлар)..... 74

ТАРИХ ВА ТАРИХШУНОСЛИК

Якубов Қ. Хоразм солиқ тизимида вақф ерлари (XIX аср охири – XX аср бошлари) 83

Абдурасулов Х. Из истории караван-сараев Туркестанского генерал-губернаторства 95

Базарбаев А. Туркистонда мулк ва жамоа ерларининг ҳуқуқий ҳолати (XIX аср – XX аср бошлари) 106

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Жўраев Ж. “Туҳфаи Сомий”даги Темурий шаҳзодаларга оид маълумотлар 120
Турсунов Р. Фузулий ғазалига Ғозий татаббуъси: икки шоир – икки талқин 134
Эшонова С. Нодира туркий девонларининг ЎзРФА Шарқшунослик институти фондидаги қўлёзмалари матний қиёси 145

ИСЛОМШУНОСЛИК

Усмонов И. Ҳаким Термизийнинг фиқҳга оид қарашлари 159
Муҳаммадаминов С. XVII аср Марказий Осиё *жўнг* тўпламларида *уруш диёри* масаласи 173
Хуснутдинов Ф. Исламская литература для эмигрантов из Советской Средней Азии. «Книга о паломничестве» Саййида Махмуда Тарази (1895–1991) 188

ХОРИЖИЙ ШАРҚ МАСАЛАЛАРИ

Каримова Н., Алимова Л. К истокам женского образования в Китае и Корее (конец XIX – начало XX вв.) 206

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2023 йил 27 декабрдаги 9-сонли мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия қилинди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Баҳром Абдуҳалимов *(Бош муҳаррир)*
Сурайё Каримова *(Бош муҳаррир ўринбосари)*
Салимахон Эшонова *(Масъул котиб)*
Наталья Каримова *(Рус тили муҳаррири)*
Акрам Ҳабибуллаев *(АҚШ, Инглиз тили муҳаррири)*
Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Бахтиёр
Баҳодиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин *(Германия)*
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек *(Туркия)*
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктамбек
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
Телефон*: (8 371) 262-54-61,*
Факс*: (8371) 262-52-77*
E-mail*: beruni1@academy.uz*

22.12.2023 йилда босишга рухсат этилди. Қоғоз бичими 70x100 $^{1}/_{16}$. “Times New Roman” гарнитураси. Шартли босма табоғи 7. Адади 100 нусха. Буюртма рақами №:16-23. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриётида нашр этилд и.

were not reflected in “Majalis an-nafa’is”, i.e. Babur Shah, Humayun Shah and Askari Mirza. The next eminent representative of this tradition was Fakhri Hiravi, the author of the *tazkira* “Rawzat as-salatin”. Although some fragments of the three writings repeat each other, in a number of cases they provide information complementary to their predecessors. Thus, the article offers a textual comparison of all three *tazkira*s. At the same time, special attention focuses on the significance of the materials of “Tuhfa-yi Sami” in the studies of the biography and literary legacy of the Timurid princes.

Key words: *Timurid princes, Mirza Safavi himself, Alisher Navai, Davlatshah of Samarkandi, Sultan Husain Mirza, “Tuhfa-yi Sami”, “Majalis an-nafa’is”, “Baharistan”, “Tazkirat ash-shuara”.*

Р. Турсунов

Фузулий ғазалига Ғозий татаббуъси: икки шеър – икки талқин

Амирий тахаллусида ижод қилган Қўқон хони Амир Умархон (1787–1822; ҳукмронлик йиллари 1810–1822) бошчилигида йирик ижодий мактабга айланган, гуллаб-яшнаган Қўқон адабий муҳити мумтоз адабиётимиз тарихида ёрқин из қолдирган. Унинг йирик ёрқин вакилларидан бири – Муҳаммад Ғозий бўлиб, “унинг яшаган ва ижод этган даври, тахминан, XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XIX асрнинг 20-йилларига тўғри келади” [8: 35].

Шоир ижоди ўз давридаёқ юқори баҳоланган, чунончи замондоши Фазлий Намангоний (XVIII–XIX) “Мажмуаи шоирон” тазкирасида шундай таърифлайди:

Чу Ғозийки дар корзори сухан,
Ба тиғи забон буд лашкаршикан [1: 74].

Мазмуни: *Ғозий сўз айтиш жангида*
Тилининг тиғи билан ғалаба қозонди.

Маълумки, “Адабий ворисийлик, ижодий илҳомланиш, буюк истеъдодга тақлид қилиш ва эргашиш тушунчалари ўзига хос юксак савиядаги маданий, адабий ҳодиса бўлиб, Шарқ мумтоз адабиётининг

энг муҳим хусусиятларидан биридир. Бу маданий-адабий жараёнда шаклланган санъат тармоқларидан қай бирига назар ташланмасин, асосий мақсад “ўзидан олдингидан” ўрганиб, унинг ғояси ва бадиий маҳоратини ривожлантирган ҳолда “янгилаш” эканлиги ойдинлашади” [8: 40].

Илмга Қўқон адабий муҳити атамасини олиб кирган, мазкур муҳитнинг мумтоз адабиёт тарихи ривожидаги ўрнини кўрсатиб берган олим, академик Азиз Қаюмов (1926–2018) эса шоирни “илғор фикр эгаси, ўз даврининг кўзга кўринган олим – фозил шоирларидан” бири сифатида эътироф этади [13: 76, 83].

Алишер Навоий (1441–1501) ва Муҳаммад Фузулий (1494–1556) ижоди орқали туркий тилда шеър битишни шундай юксак даражага кўтардиларки, ўз даври ва ундан кейинги асрларда адабиёт майдонига кириб келган шоирлар маҳорати уларнинг ғазалларига битган татаббуъ, тахмислари савиясига қараб белгилана бошлади. Бу хусусият Қўқон адабий муҳити вакиллари ижодига ҳам хосдир. Хусусан, Ғозий ҳам аксар сафдошлари қатори мазкур салафлари ижодига катта муҳаббат билан муносабатда бўлган. Унинг ижодини кузатар эканмиз, шеъриятида фузулиёна услуб устувор бўлганини, озарбайжон тилидаги “чўх”, “йўх”, “дут”, “вермаға”, “қилмаз” сингари сўзлардан кенг фойдалангани намоён бўлади. Айниқса, Фузулий ғазалларига боғлаган тахмислари, татаббуъларини ўқир эканмиз худдики мазкур халаф ўз салафи қўли билан асар яратганга ўхшайди. Дарҳақиқат, “... ўзга шоир ғазалига тахмис боғлаш бу гўё шу шоир билан ижодий ҳамкорлик ва муайян маънода адабий мусобақага киришишдир. Шунинг учун ҳам ижодкорлар одатда ўз тахмисларини маълум поэтик маҳоратга эга бўлганларидан кейин ярата бошлаганлар. Яна шуни унутмаслик керакки, бунда ғазал муаллифи билан унга тахмис боғлаётган муаллиф ўртасида муштарак дунёқараш, эстетик идеал ҳамоҳанглиги ва ғоявий яқинлик бўлиши зарур. Тахмис муаллифи ғазалда келтирилган фикрларни мантиқан ривожлантириб, уни ўз ижодий ғоялари билан шундай тўлдириши ва бойитиши керакки, натижада, вужудга келган шеър унга асос бўлган ғазал билан уйғунлашиб, бир муаллиф томонидан яратилгандек тасаввур уйғотсин” [11: 445].

Ғозий Фузулийнинг “Етмишам”, “Этогин” радифли ғазалларига баркамол тахмислар боғлаган. Лекин бу галги тадқиқотимиз объекти тахмис эмас, балки Фузулийнинг **“***Қилмаз***”** радифли шеърига боғлаган татаббуъси таҳлилидан иборат [10: 148]:

Нами ашким мукаддар хотиримдан дафъи ғам қилмаз,
Бу равшандурки, нам ойинадан зангор кам қилмаз.

Хами абрўйи мушкининги кўрса зоҳиди кажбин
Дахи қомат сужуди гўшаи меҳроба хам қилмаз.

Санга, эй шўхи сангиндил, деман бут, неша ким, бут ҳам
Агарчи сангдилдур, бўйла бедоду ситам қилмаз.

Жафоу жавр ила қон ўлди бағрим, ё раб, ул бадхў
Нечун тарк айламаз бедоду жаврин, бир карам қилмаз.

Муродим гирядан касби ғубори раҳгузоримдур,
Кўзим ёши дамо-дам чеҳрами беҳуда нам қилмаз.

Хатинг давринда ашки ол ила дарду ғамим шарҳин,
Дам ўлмазким, руҳи зард узра мужгоним рақам қилмаз.

Фузулий бенаво то равзаи кўйингда сокиндур,
Таманнойи беҳишту майли гулзори Эрам қилмаз.

Мазкур ғазалга Ғозий қуйидагича татаббуъ битган:

Кўнгил кўргач юзингни майли гулзори Эрам қилмаз,
На гулзори ирам, ёди гули фирдавс ҳам қилмаз.

Чекиб юз ноз ила ханжар юрогим поралар қилди,
Киши ўз душманиға ҳеч гаҳ мундоқ карам қилмаз.

Нечук бедодгар кофир эрурсанким, фаранг аҳли
Мусулмонларға ҳаргиз мунча зулм ила ситам қилмаз.

Сабо ағёра элтур тўтиёлиққа ғуборини,
Кўзум ёши кўйи туфроғини беҳуда нам қилмаз.

Худоға шукрким, жавру жафоу дардин ул маҳваш,
Қилур кундин-кун ортуқ жонима бир зарра кам қилмаз.

Рақибо, қилма нозиш, мен кўран ёр ўлса дилдоринг,
Мени шод этмади, бори сени ҳам муҳтарам қилмаз.

Кўриб ул бут қошин меҳроба қилдинг сажда, эй зоҳид,
Сенга этган ишини, биллаҳ, ҳеч раҳбон санам қилмаз.

Муяссар бўлса синған косау гулхан кули Ғозий,
Ҳавойи тахти Доро, орзуйи жоми Жам қилмаз [14: 95].

Эътибор берилса, Фузулий ғазали 7 байт, Ғозий татаббуъси эса 8 байтдан иборат бўлиб, ҳар иккови ҳам *ҳазажи мусаммани солим* вазнида ёзилган. Биз мазкур мақоламизда татаббуъ билан ғазалнинг мазмуний кесишган байтларинигина қиёсий тадқиқ қилишни мақсад қилдик. Асос ғазалнинг мақтасига диққат қилайлик:

Фузулий бенаво то равзаи кўйингда сокиндур,
Таманнойи беҳишту ***майли гулзори Эрам*** *қилмаз.*

Яъни *“бенаво”* – бахтсиз Фузулий токи ёрнинг *“равзаи кўйи”* – кўчаси боғида *“сокин”* – қарор топган экан, у (Фузулий) афсонавий Эрам боғининг гулзорини *“майл”* – хоҳламайди, *“беҳишт”* – жаннатни *“таманно”* – орзу қилмайди.

Ушбу ғазал мақтаъсидан Ғозий ғоятда мутаассир бўлгани, ундаги *“майли гулзори Эрам”* деган форсий изофа татаббуъ матлаъсида тазмин ҳолда қўлланганида ҳам яққол намоён бўлади:

Кўнгил кўргач юзингни ***майли гулзори Эрам*** *қилмаз,*
На гулзори Эрам, ёди гули фирдавс ҳам қилмаз.

Юқоридаги байтда Ғозий Фузулий ғазали мақтаъсидаги мазмунни давом эттириб, ошиқнинг кўнгли маъшуқ юзини кўрса Эрам боғининг гулзорини кўргиси келмаслигини, нафақат Эрам боғи гулзорини, балки *“фирдавс”* – жаннат гулини ҳам хаёлига

келтирмаслигини ифодалайди. Байтда *“гулзори Эрам”* ва *“гули фирдавс”* сўзлари орқали таносуб санъати ишлатилган.

Чекиб юз ноз ила ханжар юрогим поралар қилди,
Киши ўз душманиға ҳеч гаҳ мундоқ карам қилмаз.

Мазкур байтда Ғозий лирик қаҳрамонининг юраги ёрнинг ноз билан отган киприк ханжаридан пора-пора бўлган, лекин (ёр учун) душман қаторида бўлган ошиқ наздида бу юракпоралик – *“карам”* – “яхшилик” билан баробар. Бир сўз билан айтганда, ёр берган синовлар ошиққа ҳузур бағишламоқда.

Ҳар икки байтда “*ханжар*”, *“пора”*, *“бадхў”*, *“жафоу жавр”*, *“бедод”* сўзларида таносуб санъати, *“жафоу жавр”* ва *“карам”* сўзлари ёрдамида тазод санъати қўлланган.

Ғозий татаббуънинг учинчи байтига юзланамиз:

Нечук бедодгар кофир эрурсанким, фаранг аҳли
Мусулмонларға ҳаргиз мунча зулм ила ситам қилмаз.

Шоир ушбу байтда Фаридуддин Аттор (1145–1221)нинг “Мантиқ ат-тайр” ва Алишер Навоийнинг “Лисон ат-тайр” асарларида тараннум этилган машҳур Шайх Санъон ҳикоятига ишора қилади [9: 46–56; 6: 60]. Уларда зикр этилишича, “Шайх Санъон илоҳиёт ҳикматидан ғоят хабардор ориф инсон, аммо у тарсо қизини кўргач, шайдою мубтало бўлиб қолади, не-не маломатларга кўниб, энг паст юмушларни бажариб, ёри васлини қозонади ва охири тарсо қизи шайхнинг муҳаббати соф ва самимий эканини билиб, унинг олдида тавба қилади, исломга кириб, шайх муридига айланади. Бу саргузашт орқали Шайх Санъоннинг илоҳиётга бўлган муҳаббати синовлардан ўтади, шайх бу йўлда ўзлиги, билим ва мансабдан ҳосил бўлган ғурурни ташлаб, чин ошиққа айланади, комиллик даражаси ортади” [7: 54].

Ғозий ана шу ҳикоятдан таъсирланиб, ўз ёрини *“бедодгар кофир”*, яъни ўта золим кофирга ўхшатмоқдаки, ишқ бобида *“фаранг аҳли”* – оврўпаликлар – хусусан, Шайх Санъон маҳбуби – тарсо қиз ҳам мусулмонларга бу даражада “*зулм ила ситам”* қилмаганини таъкидламоқда.

Бу байт Фузулий ғазалининг учинчи байти мазмунига уйғун ҳолда яратилганини кўришимиз мумкин:

Санга, эй шўхи сангиндил, деман бут, неша ким, бут ҳам
Агарчи сангдилдур, бўйла бедоду ситам қилмаз.

Мумтоз адабиётда ёр баъзида *“бут”* – тошдан ясалган илоҳага ўхшатилади. Ваҳолангки, муқаддас динимизда Аллоҳдан бошқага сиғиниш қатъий ман этилади. Шу ўринда табиий савол туғилади: “Ислом дини аҳкомларини мукаммал билган Фузулийдек буюк шоирлар бундай “чегара”дан чиқадиган – куфрга олиб борадиган битикларни нима учун битган бўлишлари мумкин?”. Гап шундаки, “суратпараст, масаланинг моҳиятига етмаган жоҳил руҳоний талқинидаги кофирлик билан сўфий шоир назарда тутган кофирлик бошқа-бошқа нарсадир. Руҳонийлар бутга сиғинган одамларни кофир десалар, сўфийлар “касрат оламининг зулми, дунё талаби, ваҳдатдан жудоликни” куфр деб уқтирганлар. Ишқнинг кофири бўлиш –сўфий наздида ҳақиқий имонга эга бўлиш, нечунким, фарқлар, кўпликлар олами орқали, ёпиқлик пардасини кўтариш, дунёни тарк этиш орқали ваҳдатга етилади. Диндор руҳоний Илоҳни севишни эмас, Унга сажда қилиш, тоат-ибодат билан жаннатий бўлишни тарғиб этади. Сўфий бўлса, Илоҳдан бошқасини тан олмайди, расм-русумлар, одат-маросимларни инкор этади. Илоҳ жамоли акс этган барча мавжудотни ... севиш мумкин, деб таълим беради” [7: 230].

Шу нуқтаи назардан, Фузулий наздида ёр – “*шўхи сангиндил”* – шу қадар бағритош, дийдаси қаттиқ шўх қизки, уни тошдан ясалган бутга ҳам ўхшатиб бўлмайди, чунки ҳатто бутнинг “юраг”и бўлиб, ошиққа ҳаддан ташқари зулму ситамни раво кўрмайди.

Халқимиз орасида одамларнинг метин иродаси ҳақида “Инсоннинг боши тошдан қаттиқ” деб бўрттириб, бироқ топиб айтилган мақол бор. Фузулийнинг юқоридаги байтида худди шундай юқори даражада қўлланилган муболаға санъатини, *кофир”*, *“фаранг”*, *“бут”*, *“санам”*, *“бедодгар”*, *“зулм”*, *“бедод”*, *“ситам”* сўзлари орқали таносуб санъати, *“кофир”* ва *“мусулмон”* сўзлари тазод санъатига мурожаат қилинганини кўриш мумкин. Фузулий ғазалининг 5-байтида эса:

Муродим гирядан касби ғубори раҳгузоримдур,
Кўзим ёши дамо-дам чеҳрами беҳуда нам қилмаз.

Яъни, ошиқнинг муттасил *“гиря”* – йиғлашидан мақсад – ёрнинг *“раҳгузор”* – ўтиб юрадиган кўчасини *“ғубор”*лардан тозалаш, ювиш дея изоҳланади.

Ғозий татаббуъсининг навбатдаги байти:

Сабо ағёра элтур тўтиёлиққа ғуборини,
Кўзум ёши қўйи туфроғини беҳуда нам қилмаз.

“Сабо” образи мумтоз адабиётда аксар ҳолларда “маъшуқ” билан “ошиқ” ўртасида хабар етказадиган воситачи, икки тараф манфаатларини қўллаб-қувватлайдиган “кўприк” маъносида қўлланилади. Бу борада *“Сабо, ағёрдан пинҳон ғамим дилдора изҳор эт, Хабарсиз ёрими ҳоли харобимдин хабардор эт...”* [10: 70] сингари юзлаб мисолларни келтиришимиз мумкин. Аммо Ғозийнинг бу байтида *“сабо”* ёрнинг кўчадаги излари ғуборини *“ағёр”* – душманга (кўзига тўтиё қилиши учун) элтаётгани учун ошиқнинг кўзидан маъшуқ *“кўйи туфроғи”*ни нам қилар даражада тинимсиз кўз ёши оқаётгани, яъни хиёнатдан жабр кўрган инсоннинг тушкун ҳолати тасвирланади. Ушбу икки байтда *“тўтиё”*, *“ғубор”*, *“тупроқ”*, *“раҳгузор”*, *“кўй”*, шунингдек, *“кўзум ёши”*, *“гиря”* ва *“нам”* сўзларида таносуб санъатидан фойдаланилган.

Ғозий татаббуъсининг еттинчи байти:

Кўриб ул бут қошин меҳроба қилдинг сажда, эй зоҳид,
Сенга этган ишини, биллаҳ, ҳеч раҳбон санам қилмаз.

Сўфиёна адабиётда *“зоҳид”* – дунё лаззатларидан ўзини тийган, шу билан бирга, фақат жаннатга кириш тамаси билан тоат-ибодат қиладиган риёкор инсон образида келади. Аниқроғи, адабий талқинга кўра, “зоҳидлар узлат ва тақвони пеша этган бўлишларига қарамай, ишқ ва ирфон (илоҳий маърифат)дан бехабар кишилар эдилар. Улар фалсафий мушоҳадакорлик, ажзу иродат билан маънавий-ахлоқий камолот сари интилиш, валийлик, кароматлар кўрсатиш каби хислатларга эга эмасдилар. Зоҳидларнинг нияти ибодат билан охират мағфиратини қозониш, Қуръонда ваъда қилинган жаннатнинг ҳузур-ҳаловатига етишиш эди. Сўфийлар назарида эса жаннат умидида тоат-ибодат қилиш ҳам таманинг бир кўринишидир. Ҳолбуки, сўфий учун

на дунёдан ва на охиратдан тама бўлмаслиги керак. Ягона истак бу — Ҳақ таолонинг дийдоридир, холос” [7: 10].

Шу боис, юқоридаги байтда Ғозий зоҳидга қарата “Эй, зоҳид, *“ул бут”* – ёр ўз жамолини сенга очганда, унинг қошларига эмас, одатдагидек масжиддаги меҳробга сажда қилдинг. Ҳолбуки, бундай имкониятни у *“санам”* – ёр *“биллоҳ”* – Худо ҳаққи ҳали ҳеч кимга бермаган эди. Афсус, сен бундай ноёб имкониятни қўлдан бой бердинг!” – дея танқид қилади.

Фузулий асос ғазалнинг иккинчи байтида эса зоҳидга шундай баҳо берилган:

Хами абрўйи мушкининги кўрса зоҳиди кажбин
Дахи қомат сужуди гўшаи меҳроба хам қилмаз.

Яъни, *“зоҳиди кажбин”* – дунё қараши тор, мутаассиб зоҳид ҳам ёрнинг “*хами абрўйи мушкин”* – хушбўй эгик қошини кўрса, ўз маслагидан воз кечиб, меҳробга сажда қилишдан бош тортади. Балки ошиқ сингари ёрнинг қошларига топинишни ихтиёр этади. Мазкур байтлардаги *“зоҳид”*, *“меҳроб”*, *“сажда”*, *“сужуд”*, *“бут”*, *“санам”*, шунингдек, *“қош”* ва *“абрў”* сўзларида таносуб санъати қўлланилган.

Ғозий татаббуъси шундай якунланади:

Муяссар бўлса синған косау гулхан кули Ғозий,
Ҳавойи тахти Доро, орзуйи жоми Жам қилмаз.

Ғозий наздида инсон афсонавий шоҳлар – Доронинг ўша машҳур тахтида хавотирда ўтириб, Жамшиднинг сеҳрли жомидан фойдаланганидан кўра, ўз кулбасида ёқилган гулхан тафтида исиниб, синган косада эмин-эркин тановвул қилгани минг карра аълодир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Фузулий ғазали бошидан охиригача ошиқнинг ўз ёрига арзи ҳол қилишидан иборат бўлган бўлса, Ғозий татаббуъсида маъшуқ, ошиқ ва рақиб ўртасидаги муносабатлар баёни ижтимоий муаммо ечимига улангани билан алоҳида аҳамият касб этади. Татаббуъ таҳлили орқали Ғозий тимсолидаги шогирд Фузулийдек устози “қобиғи”дан чиқиб, “янги сўз” айтишга муваффақ бўлганини кўриш мумкин. Зеро, татаббуъ боғлашдан пировард мақсад ҳам – шу.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдулкарим Фазлий Намангоний. Мажмуаи шоирон / Нашрга тайёрловчи: М. Ҳасаний. Тошкент, 2018.
2. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати / Тузувчи: Э. Фозилов. Тўрт томлик. Т.1. Тошкент, 1983.
3. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати / Тузувчи: Э. Фозилов. Тўрт томлик. Т.2. Тошкент, 1983.
4. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати / Тузувчи: Э. Фозилов. Тўрт томлик. Т.3. Тошкент, 1984.
5. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати / Тузувчи: Э. Фозилов. Тўрт томлик. Т.4. Тошкент, 1985.
6. Алишер Навоий. Лисон ут-тайр / Нашрга тайёрловчи: Н. Раҳмонов. Тошкент, 1991.
7. Комилов Н. Тасаввуф. Тошкент, 2009.
8. Муслиҳиддинова Н. XVIII–XIX асрлар биринчи ярми ўзбек шеъриятида салафлар анъанларининг поэтик такомили (Муҳаммад Ғозий ва Мирҳасан Садоий ижоди мисолида) / Филол. фан. докт. (DSc) ... дисс. Тошкент, 2021.
9. Фаридуддин Аттор. Мантиқ ут-тайр / Нашрга тайёрловчи: Нажмиддин Комилов, Маҳкам Маҳмудов. www.ziyouz.com
10. Фузулий М. Девон // Асарлар / Нашрга тайёрловчи: Х. Расул. Икки жилдлик. 1-жилд. Тошкент, 1968.
11. Юсупова Д. Алишер Навоий тахмислари//Шарқ юлдузи. Тошкент, 2013. № 2. Б. 444–449.
12. Ўзбек тилининг изоҳли луғати / Тузувчи: А. Мадвалиев. Тўртинчи, бешинчи жилдлар. Тошкент, 2020.
13. Қаюмов А. Қўқон адабий муҳити (XVIII – XIX асрлар). Тошкент, 1961.
14. Қаюмов. А. Ғозий. Тошкент, 1959.
15. Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. Тошкент, 1999.

Р. Турсунов

Фузулий ғазалига Ғозий татаббуъси:
икки шеър – икки талқин

Мазкур мақолада Қўқон адабий муҳити вакилларидан бири, шоир Муҳаммад Ғозийнинг машҳур озарбайжон шоири Муҳаммад Фузулий қаламига мансуб ***“Нами ашким мукаддар...”*** деб бошланувчи ишқий-тасаввуфий ғазалига татаббуъ боғлагани ҳақида сўз боради.

Тадқиқотда Фузулий ғазали бошидан охиригача ошиқнинг ўз ёрига арзи ҳол қилишидан иборатлиги, Ғозий татаббуъсида эса маъшуқ, ошиқ ва рақиб ўртасидаги муносабатлар баёни ижтимоий муаммо ечимига улангани муқояса этилган. Шунингдек, Ғозий татаббуъси мисолида нафақат икки шоир балки икки туркий халқ адабиётидаги адабий ворисийлик ва ижодий илҳомланиш, анъанавий образлар – “зоҳид” ва “сўфий” дунёқараши, ғазалларнинг муштарак ва хос жиҳатлари, уларда қўлланган бадиий санъатлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *Фузулий, Ғозий, татаббуъ, таносуб, тазод, фузулиёна услуб, адабий ворисийлик, адабий мусобақа, ижодий илҳомланиш ва ғоявий яқинлик.*

Р. Турсунов

Татаббу Гази к газели Фузули:
два стиха – две интерпретации

В данной статье рассказывается об одном из представителей литературной среды Коканда, поэте Мухаммаде Гази, соединившем романтически-мистическую газель, начинающуюся со слов «Нами ашким мукаддар...», написанную известным азербайджанским поэтом Мухаммадом Физули.

В исследовании идет сравнительный анализ того, что газель Физули от начала до конца состоит из элегии влюбленного, направленной к своей возлюбленной, а в газели Гази отношения между возлюбленной, влюбленным и соперником связаны с решением социальной проблемы. Также на примере ответной газели Гази

анализируются литературная преемственность и творческое вдохновение не только двух поэтов, но и двух тюркских народных литератур, мировоззрения традиционных образов - «отшельника» и «суфи», общие и уникальные стороны газелей, использованные в них художественные искусства.

Ключевые слова: *Физули, Гази, татаббу, таносуб, тазад, стиль Физули, литературная преемственность, литературное соревнование, творческое вдохновение и идейная близость.*

R. Tursunov

Tatabbu by Gazi to Fuzuli's ghazelle: two poems – two interpretations

This article describes one of the representatives of the literary environment of Kokand, the poet Muhammad Ghazi, who combined the romantic-mystical gazelle that begins with "Nami ashkim muqaddar..." written by the famous Azerbaijani poet Muhammad Fizuli.

The research contains a comparative analysis of the fact that Fuzuli's ghazelle from beginning to end consists of a lover's elegy addressed to his beloved, and in Gazi's work the relationship between the beloved, the lover and the rival is connected with the solution of a social problem. On the example of the Ghazi's response ghazal, there is also an analysis of the literary succession and creative inspiration of not only two poets, but also two literatures of Turkic nations, the worldview of traditional images - the "hermit" and the "sufi", the common and unique aspects of ghazelles, and the artistic techniques used in them.

Key words: *Fuzuli, Gazi, tatabbu, tanosub, tazad, Fuzuli style, literary continuity, literary competition, creative inspiration and ideological affinity.*

Бизнинг муаллифлар

1. **Азимов Хуршид Хакимович –** тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик интитути катта илмий ходими.
2. **Абдурасулов Хушнуд Абдуллаевич –** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик интитути кичик илмий ходими.
3. **Алимова Лазиза Алишер қизи** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кичик илмий ходими.
4. **Базарбаев Акмал Муратович** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими.
5. **Жўраев Жалолиддин Олимжонович –** филология фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими.
6. **Каримова Наталья Эрмановна** – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими.
7. **Каримова Сурайё Убайдуллаевна –** тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик интитути директори ўринбосари.
8. **Маҳмуд Ҳасаний –** тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими.

9. **Муҳаммадаминов Саидакбар Абдурашидович –** тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими.
10. **Турсунов Рустам Миршоҳидович –** мустақил тадқиқотчи, Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги масъул ходими.
11. **Усмонов Иброҳим Собирович –** тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти докторанти.
12. **Хуснутдинов Филипп Романович** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кичик илмий ходими.
13. **Эшонова Салимахон Нишонбек қизи** – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Шарқ мумтоз адабиёти бўлими мудири.
14. **Якубов Қахрамон Каримджанович** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими.

Наши авторы

1. **Азимов Хуршид Хакимович –** доктор философии (PhD) по историческим наукам, старший научный сотрудник Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
2. **Абдурасулов Хушнуд Абдуллаевич** – младший научный сотрудник Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
3. **Алимова Лазиза Алишер кизи** – Младший научный сотрудник Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
4. **Базарбаев Акмал Муратович** – доктор философии (PhD) по историческим наукам, старший научный сотрудник Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
5. **Джураев Джалолиддин Алимджанович** – доктор филологических наук, ведущий научный сотрудник Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
6. **Каримова Наталья Эрмановна** – доктор исторических наук, профессор, ведущий научный сотрудник Института востоковедения Академии наук Республики Узбекистан.
7. **Каримова Сурайё Убайдуллаевна –** доктор исторических наук, профессор, заместитель директора Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
8. **Махмуд Хасани –** доктор исторических наук, ведущий научный сотрудник Института востоковедения Академии наук Республики Узбекистан.

9. **Мухаммадаминов Саидакбар Абдурашидович –** кандидат исторических наук, страший научный сотрудник Института вотоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
10. **Турсунов Рустам Миршахидович –** независимый исследователь, ответственный сотрудник Министерства экологии, охраны окружающей среды и изменения климата Республики Узбекистан.
11. **Усманов Ибрахим Сабирович** – кандидат исторических наук, доцент, докторант Института вотоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
12. **Хуснутдинов Филипп Романович –** младший научный сотрудник Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
13. **Эшонова Салимахон Нишонбек кизи** – кандидат филологических наук, заведующий отделом Классической восточной литературы Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
14. **Якубов Кахрамон Каримджанович** – доктор философии (PhD) по историческим наукам, старший научный сотрудник Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.

Ours authors

1. **Akmal M. Bazarbaev** – PhD in History, Senior Researcher fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
2. **Djaloliddin A. Djuraev** – Doctor of Philology, Leading Research fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
3. **Filipp R. Khusnutdinov –** Junior Researcher fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
4. **Ibrahim S. Usmanov –** PhD in History, Associate Professor, doctoral student at the Institute of Current Studies named after Abu Raikhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
5. **Khurshid Kh. Azimov –** PhD in History, Senior Researcher fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
6. **Khushnud A. Abdurasulov** – Junior Researcher fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
7. **Laziza A. Alimova** – Junior Researcher fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
8. **Mahmud Hasaniy** – Doctor of History, Leading Research fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
9. **Natalya E. Karimova** – Doctor of History, Professor, Leading Research fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.

10. **Qahramon K. Yakubov** – PhD in History, Senior Researcher fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
11. **Rustam M. Tursunov –** Independent Researcher, Responsible Employee of the Ministry of Ecology, Environmental Protection and Climate Change of the Republic of Uzbekistan.
12. **Saidakbar A. Muhammadaminov –** PhD in History, Senior Researcher fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
13. **Salimakhon N. Eshonova** – PhD in Philology, Senior Research Fellow, Head of the Department of the Classical Literature of the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
14. **Surayyo U. Karimova –** Doctor of History, Professor, Deputy Director of the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.